201
А
Alisher Navoiy nomidagi
O'zbekiston MK

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

**2019 йил** *Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | **2019-yil 22-yanvar, seshanba 7 (8974)-son** | **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:

## ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди**

21 январь куни Берлин шаҳридаги Бельвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига имзо қўйди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этажагини билдирди.

Президентлар Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Бугунги кундаги хавф ва таҳдидлар, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда янада яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тезроқ бошлаш бўйича ёндашувлар бир хил экани тасдиқланди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар ҳам муҳокама қилинди. Мактаб таълимида самарали немис технологияларидан фойдаланиш, жумладан, "Мактаблар: келажак шериклари" (PASCH) ташаббусини амалга ошириш, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш, халқларимиз ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари эътибор марказида бўлди.

Учрашув сўнггида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф билан боришини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ангела Меркель Ўзбекистон Президентининг ташрифи узоқ танаффусдан кейинги муҳим воқеа экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига катта турткi беришини таъкидлади.

– Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар борлигини кўрмоқдамиз, – деди Германия канцлери.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдириб, немис халқини жорий йил май ойида нишонланадиган Германия Федератив Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан табриклади.

Сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шериги эканини, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга интилишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани қайд этилди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида Европа Иттифоқи – Марказий Осиё йўналишида ҳамда Германия – Марказий Осиё форматида муносабатларни мустаҳкамлашда давом этишларини таъкидлади.

Бўлажак учрашувда замонавий таҳдид ва хатарлар, аввало, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тез фурсатда бошлаш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида конструктив мулоқот, шунингдек, давлат бошқаруви тизимининг шаффофлигига ҳамда коррупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш мақсадида ҳамкорлик учун очиқ экани таъкидланди.

Томонлар инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Ўзбекистон Президенти ташрифи арафасида ўтказилган бизнес-форумда 8 миллиард евродан зиёд қийматдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани, бошқа битимлар бўйича ишлар давом этаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувида асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**Ижтимоий тараққиётнинг глобал ва устувор тамойилларидан бири – инсон фаолияти барча босқичларида, жумладан, фан ва таълим соҳаларида намоён бўладиган интеграция жараёнидир.**

### *ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ:*

## ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон билан Германия ўртасида фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, германиялик олимлар, илмий доира вакиллари азалдан юртимиз тарихи, миллий урф-одат ва анъаналарига катта қизиқиш билан қараган. Ўз навбатида, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги ҳам Германиянинг ўтмиши ва замонавий ривожланиш йўли, ижтимой-иқтисодий қиёфасини ўрганишга алоҳида аҳамият берган.

Шу ўринда "Марказий Осиё" атамаси биринчи марта таниқли немис олими Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли "Марказий Осиё тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимларни таққослаш" асарида қўлланилганини эслаш ўринли. Унда олим ички суғориш тизими ва тоғ тизмаларини ўрганиш асосида Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида тасвирлайди. Шундан сўнг "Марказий Осиё" тушунчаси бугунги кунга қадар географик атама сифатида қўлланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Германия таълим ва касбга йўналтириш, илм ва илмий тадқиқотларга кенг эътибор берадиган давлат сифатида танилган. Буни Нобель мукофоти соҳибларининг 91 нафари ушбу давлат вакиллари экани ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 800 дан ортиқ талаба-ёшлари, илмий тадқиқотчилари Германия олий таълим муассасаларида таълим олаётганини ҳам айни шу билан изоҳлаш мумкин. Илғор хориж тажрибасини ўрганиб, турли соҳалардаги замонавий технологияларни Ўзбекистонда жорий этишни мақсад қилган ёшлар учун бундай имкониятлар мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари билан ҳамкорликда Германия академик алмашувлар хизмати, Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Адэнауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармаларининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, Немис халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик бўйича институти ташкилотлари томонидан яратилмоқда.

Кейинги йилларда таълим ва илм-фан соҳасига қаратилаётган юксак эътибор, жумладан, ёшларнинг халқаро меъёрлар асосида билим олиши учун яратилаётган қулай шароит, илмий-тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами Германияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу мамлакатларимизнинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янги босқичда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи олдидан Берлинда Ўзбекистон – Германия маданий ҳамкорлиги бўйича қўшма комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Бу икки давлат ўртасида гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб берди.

Комиссия мажлисида мамлакатимизнинг Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Маданият вазирликлари, шунингдек, Фанлар академияси вакиллари, Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси қатнашди. Германия томонидан Ташқи ишлар вазирлиги, Германия академик алмашув хизмати ва Гёте институти вакиллари иштирок этди.

Тадбирда фан ва маданият, олий таълим, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, немис ва ўзбек тилларини ўрганиш, оммавий ахборот воситалари ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик, маданий ёдгорликлар ва маданий қадриятларни тиклаш каби йўналишларда икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу йўналишларда ҳамкорликни давом эттириш бўйича келишувларга эришилди.

Германиялик ҳамкорлар Тошкент шаҳридаги 60-умумтаълим мактабига Гёте, Бухоро шаҳридаги 4-умумтаълим мактабига Иоганн Кристоф Фридрих фон Шиллер ва Самарқанд шаҳридаги 51-умумтаълим мактабига Вильгельм фон Гумбольдт номлари берилганини катта мамнуният билан қайд этишди.

Мажлис якуни бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Германиянинг маданий, илмий-маърифий соҳалардаги хамкорлигини янада кенгайтириш, барча даражадаги иштирокчиларнинг бевосита учрашув ва музокараларига кўмаклашиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Сирожиддин МИРЗАЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти.*
*ЎзА*

**Қорақалпоғистон** Республикаси

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Оролбўйи аҳолисининг ҳаёт шароитини яхшилаш, бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланган Орол денгизининг сувсиз ҳудудида ўрмонзорлар барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларда, шу жумладан, Мўйноқ туманида барча зарур инфратузилмаларга эга бўлган замонавий шаҳарча бунёд этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган эди.*

## ОРОЛБЎЙИ: бунёдкорлик давом этмоқда

Дарҳақиқат, ўтган 2018 йил ўзининг тарихий воқеаларга бойлиги, ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар билан ажралиб туради. Бунда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, одамларни ҳаётдан рози қилиш борасидаги бунёдкорлик ишлари, аниқ мақсад ҳамда вазифаларни ўзида жамлаган фармон, қарор ва дастурлар алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам халқ фаровонлигига хизмат қиладиган қатор йирик корхоналар фойдаланишга топширилди.

Хусусан, Қораўзак туманида "Титан цемент" қўшма корхонаси, Тахиатош туманида металл-конструкция ишлаб чиқариладиган завод фойдаланишга топширилди. Элликқалъа туманидаги "Бўстон мега текстиль" корхонаси, Кегайли туманидаги целлюлоза ишлаб чиқарадиган "Кегайли қоғоз", бўян илдизини қайта ишловчи "Ланко мия" корхоналари ишга тушди.

Нукус шаҳридаги тиббий буюмлар ишлаб чиқариладиган "Нукус Мед Тех", Қонликўл туманидаги "Kanteks invest" тўқимачилик корхоналари ҳам шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Тўрткўл туманида тиббий шиша буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Нукус шаҳрида ярим автомат кир ювиш машиналари ва хизмат кўрсатиш техникалари, иситиш ўчоқлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили қўшимча даромад ҳисобидан 288,5 миллиард сўм маблағ кўп йиллардан бери эътиборсиз қолган ижтимоий соҳа объектларида йирик ва жорий таъмирлаш ишларига йўналтирилди. Шу билан бирга, инвестиция ва инфраструктура объектларида қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 518 миллиард сўм маблағ ажратилди. Жумладан, ижтимоий соҳа объектларида бугунги кунда 314 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида ҳудудни янада ривожлантириш, аҳолининг бахтли ва фаровон турмушини таъминлаш борасидаги бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган асосан шу – Мўйноқ халқи, уларнинг сабр-тоқати, ватанпарварлиги ва меҳнаткашлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак", "Маданият Мўйноқдан бошланади" деган сўзларини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

**(Давоми 2-саҳифада)**




*Мукимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.*

*Фарғона вилоятида аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда. Айни кунларда Бешариқ туманида 40 мингта хонадон бўлиб, туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир хонадон томорқасидан бир йилда ўртача 10 миллион сўмдан даромад олиш эвазига йилига 400 миллиард сўм даромад манбаига эга бўлиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинди.*

Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, кейинги йилларда туманда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Оилаларда йилдан-йилга замонавий иссиқхоналар ташкил этиш, цитрус мевалар етиштириш, гулчилик, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик сингари сердаромад йўналишлар бўйича тадбиркорлик ортиб бормоқда.

Тошариқ маҳалласида яшовчи Мурoджон Юсупов оиласи хонадондаги 6 сотих иссиқхонада йилига 100 минг тупдан кўпроқ 8 турдаги бир йиллик гул кўчатлари етиштиради. Фарғона водийсида машҳур бўлиб улгурган оила гулларининг бир тупи ўртача 5-25 минг сўмдан сотилади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**Бухоро** вилояти

## Қоракўлчиликда инновацион лойиҳа!..

### *Бу қандай натижа беради?*

**Хайрулло ТУРСУНОВ,**
Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти Бухоро филиали раҳбари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

*Азалдан рангдорлиги, момиқлиги, нақшиндорлиги ва енгиллиги билан бошқа ҳудудларда етиштирилган қоракўл териларидан ажралиб турадиган Бухоро қоракўлининг довруғи етти иқлимга маълуму машҳур бўлган. Кейинчалик соҳага етарлича эътибор қаратилмагани боис, ўзининг ана шу жиҳатларини йўқотган Бухоро коракўлининг шуҳратини қайта тиклаш тегишли илмий муассаса ва мутахассисларнинг муҳим вазифаси саналади.*

Президентимизнинг 2018 йил 14 мартдаги "Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мазкур ҳужжатда соҳани ривожлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар белгиланган. Шулардан бири Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг Бухоро филиалини ташкил қилишдир.

**(Давоми 2-саҳифада)**



«Qishloq hayoti»
2019-yil 22-yanvar, seshanba 7 (8974)-son

# ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-саҳифада)

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар бўйича позициялар ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Самарали мулоқотни икки ва кўп томонлама шаклда, жумладан, нуфузли халқаро тузилмалар доирасида изчил давом эттиришга интилиш муштарак экани тасдиқланди.

Германия канцлери Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация қилиш ва жамиятни янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, кўп йиллик баҳсли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва минтақани глобал иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича янги минтақавий сиёсатини олқишлади.

Томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ҳам кўриб чиқди. Давлатимиз раҳбари Германия ҳукуматига Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдириб, Берлинни Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятида фаол иштирок этишга чақирди.

Мулоқотда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига, жумладан, Афғонистон муаммосини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилди. Бу масалани барча томонлар иштирокида, афғонлар раҳбарлигида тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошган.

Музокарада бу кўрсаткични 1 миллиард еврога етказиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланиб, бу борадаги истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда "Дойче-банк" бўлими ташкил этилган.

Мамлакатимизда дунёга машҳур немис компаниялари билан амалга оширилган йирик лойиҳалар муваффақияти ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади. "MAN" концерни билан шерикликда замонавий юк автомобиллари, "Claas" ва "Lemken" компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникалари, "Knauf" билан қурилиш материаллари, "Deutsche Kabel" билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида "Қарши – Термиз" темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Учрашувда савдо, саноат, газ-кимё, қурилиш соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, молиявий-техник кўмак ва тажриба алмашишни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари – "Siemens", "Tyssen Krupp", "Claas", "MAN", "Knauf", "Linde", "Papenburg", "Humana", "Volkswagen" каби халқаро миқёсдаги немис концернлари билан шерикликда янги кўп миллиардлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва туристлар алмашувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд немис миллатига мансуб юртдошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортиқ ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди.

Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашинувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиз ва бир неча вилоятларда бўлимлари бўлган "Видергебурт" немис маданият маркази, "Ўзбекистон – Германия" дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатимизни кўришга қизиқадиган туристлар, бизнесини йўлга қўядиган инвесторлар ва бошқаларга катта қулайлик яратди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларига оид ҳукуматлараро ва идоралараро 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш каби муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши алоқалар йўлган қўйилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича "Ўзбекистон – Германия" гуруҳи, Бундестагда эса "Германия Федератив Республикаси – Марказий Осиё" гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган "йўл харитаси"га асосан парламентлараро ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

22 январь куни Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

ЎзбекистонПрезиденти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

# ОРОЛБЎЙИ: бунёдкорлик давом этмоқда

(Боши 1-саҳифада)

Ўтган қисқа вақт ичида Мўйноқ улкан бунёдкорлик майдонига айланиб, янги турар жойлар, ижтимоий-маданий объектлар, ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасида Орол муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратгани, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фондининг ташкил этилгани халқимиз турмушидаги тарихий воқеалардан бири бўлди.

Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган мажлис баёни билан 2019-2020 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш бўйича жами 11 триллион 283 миллиард сўмлик 793 лойиҳанинг манзилли дастури тасдиқланди. Бундан ташқари, Нукус шаҳрида "Нукус сити" маркази ва янги транспорт логистикасини ташкил этиш, Осиё ривожланиш банки иштирокида Амударё, Беруний, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ ва Нукус туманларида ичимлик суви билан таъминлаш тизимини қуриш ва реконструкциялаш, шунингдек, "Оролбўйи минтақасини ривожлантириш" жамғармаси маблағлари ҳисобига жорий йилда ичимлик суви муаммоси бўлган туманларга қўшимча 28 миллиард сўм маблағ ажратиш, Нукус шаҳрида 3 олий ўқув юрти филиалини очиш вазифалари белгиланиб, бу борадаги ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Президентимиз Мўйноқ тумани аҳолиси учун барча қулайликларни яратиб бериш, Орол денгизи атрофидаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Шу асосда бугунги кунда туман билан "Қозоқдарё" шаҳарчаси орасидаги 45 километрлик йўл қурилиши олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, 2019-2021 йилларда 500 минг гектар майдонга чўлга чидамли ўсимликларни экиш вазифаси белгилаб олинди. Ҳозирда саксовул экиш ишлари қизғин давом этиб, маҳаллий бюджетдан 10 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Президентимиз томонидан Орол муаммосининг дунё жамоатчилигига етказилгани, донор давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан кўп миқдорда маблағ ажратилаётгани барчага алоҳида масъулият юкламоқда. Бугунги кунда ушбу хайрли ишга Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан 2 минг нафардан зиёд ишчи-ходим, 500 га яқин турли русумдаги техникалар жалб этилган.

– Орол фожиасини бартараф этиш бўйича олимлар томонидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда, – дейди профессор Махсуд Ибрагимов. – Масалан, яқинда сайтларнинг бирида бу борада иккита лойиҳа эълон қилинди. – Биз 60-йиллардаги сув миқдорини қайтарамиз, – дейди биринчи лойиҳа муаллифи Олимжон Юсупов. – Жаҳонда бундай технологиялар кўп. Бизнинг технологиямиз замонавий, кўчма ва барчаси ўзимизда тайёрланади. Тизим атмосферага тўла таъсир қилади. Энг аҳамиятлиси, Оролбўйида мувозанатни сақлайди.

– Илмий гуруҳимиз билан Тарим дарёсида олиб борган тажрибамизни кенгайтириб ва инновацион ғоялар билан бойитиб, Оролда синаб кўрмоқчимиз, – дейди хитойлик олим Чен Си. – Таримни тикладик, Оролни ҳам қайтарамиз.

Биз олимларнинг фикрларини хато, демаймиз, келгуси ишларига омад тилаймиз. Менимча, энди Оролни сув билан тўлдириб бўлмайди. Энг тўғри йўл, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Оролнинг қуриган тубини ўрмонзорга айлантириш ва шу орқали юзага келган муаммоларни бартараф этишдир...

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Навоий вилояти**

*Нурота туманининг "Ғазғон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида мармар ва гранитни қайта ишлашга ихтисослашган "Мармаробод" давлат унитар корхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

# Ғазғон сангтарошларининг янги шуҳрати



"Асака банк"нинг 10 миллиард сўм маблағи эвазига бунёд этилган мазкур корхона йилига 24 минг квадрат метр гранит ишлаб чиқариш қувватига эга. Инвестиция лойиҳаси доирасида Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхона фаолиятини бошлаши муносабати билан ўнлаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Келгусида маҳсулот экспортини янада ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва иш ўринларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

– Ғазғон азалдан сангтарошлар юрти сифатида дунёга машҳур, – дейди ғазғонлик сангтарош уста Тоҳир Раҳимов. – Бу ҳудудда сангтарошлик санъатининг ноёб мактаби яратилган. Ғазғонда ишлов берилган мармарларни бугун дунёнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Мен ҳам сангтарош уста сифатида юзлаб шогирдлар тайёрладим. Улар ота-боболари касбини эъзозлаб, элда қадр топмоқда. "Мармаробод" мажмуасининг фойдаланишга топширилиши эса бу борадаги эзгу ишларнинг янада бардавомлигини таъминлайди.

**Нодира РАСУЛОВА**

# Бир йилда 400 МИЛЛИАРД СЎМ даромад

(Боши 1-саҳифада)

Оила бекаси Матлуба Юсупова яна 20 сотихда иссиқхона ташкил этиб, гулчиликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатида эканини таъкидлайди.

"Юқори Товул" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ширинхўжа Мансуровлар оиласида 3 сотихли иссиқхонада томчилатиб суғориш усули жорий этилган. Иссиқхонадан йилига 2-3 марта ҳосил оладиган хонадон аъзолари яқинда бодрингни сотиб тугатишди. Шу кунларда помидор кўчати экиш режалаштириляпти. Томорқадаги мўъжазгина боғ, чорвачилик тармоғи оиланинг қўшимча даромади ҳисобланади.

Ҳасанжон Обидовлар оиласи Товулдаги қаровсиз ётган эски автогараж ўрнида 40 сотихли иссиқхона барпо этган. 15 сотихдаги лимон ҳосили салмоқли, 25 сотих ердаги бодринг-помидор даромади ҳам оила фаровонлигини юксалтирмоқда. Ҳозир оила аъзолари мандарин ва апельсин каби цитрус мевалар парваришини йўлга қўйиш, асаларичилик тармоғини ривожлантиришни кўзлаб турибди.

– Энг намунали томорқа ер эгалари иштирокида тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, барча маҳаллаларда юзма-юз мулоқотлар ўтказиляпти, илғор томорқачилар ўз тажрибасини гапириб бермоқда, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бешариқ тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Зафаржон Обидов. – Томорқадан самарали фойдалана олмаётган оилалар маҳалланинг ўзида муҳокама қилиниб, маҳалладошлар кўмагида ишини ўнглаб олишига кўмаклашиляпти. Халқимиз "Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла", деб бежиз айтмаган, ахир.

Яқинда вилоят ҳокимлиги кўмагида "Водий наслли парранда" хусусий корхонаси учун бўш бино ва ер майдони ажратилиб, паррандачилик кластери ташкил этилмоқда. Шу тариқа корхонада жўжа очириш, парваришлаш, соғломлаштириш-профилактика ишларини амалга ошириш имкониятлари кенгайтирилади. Бугунги кунда корхона мутахассислари томонидан мазкур тармоқни ривожлантириш истагида бўлганлар учун туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида маҳорат дарслари ўтказиб борилаётгани эътиборга лойиқ.

Шу сабабли туманда бир пайтнинг ўзида тадбиркорликнинг бир неча тармоқларини ривожлантираётган оилалар кўпайиб бормоқда. Бобомурод Саидаҳмедовлар оиласи йиллар давомида фойдаланилмай келган салкам 1 гектар тап-тақир ва тошлоқ ерда энг сўнгги технологиялар ёрдамида гидропоника усулида иссиқхона ташкил этган. Бугунги кунда "Нур файз" деҳқон хўжалигида етиштирилаётган бодринг ва помидор йилнинг тўрт фаслида ҳам ички бозорга чиқарилиб, бир қисми қўшни республикаларга экспорт қилиниши таъминланмоқда. Иссиқхонага ёндош ҳудудда эса оила аъзолари ташаббуси билан паррандачилик тармоғи ривожланмоқда.

Бешариқ туманида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва шу орқали ҳар бир оиланинг муқим даромад манбаига эга бўлишига эришиш учун кўплаб эзгу ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётир. Маҳаллаларда томорқачилик маданияти юксалиб бораётгани нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш, балки оилалар фаровонлигини юксалтириш, пировардида иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Қоракўлчиликда инновацион лойиҳа!..

(Боши 1-саҳифада)

Айни кунда ўз фаолиятини бошлаган институт филиалининг асосий вазифалари этиб, наслчилик ва сунъий уруғлантириш ишларини илмий асосда ташкил қилиш, қимматбаҳо, экспортбоп ярим доира қаламгул, қовурғасимон, ясси гул типлар, сур ва қора рангли қоракўл қўйлари селекциясини амалга ошириш, воҳанинг қоракўлчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида илмий ишланмаларини амалиётда синаш ва унинг ижобий натижаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, наслли қўчқорларнинг ранги ва типи бўйича ҳудудлар ҳамда хўжаликлар кесимида алмашинувини ташкил этиш, қоракўлчилик тараққий этган хорижий давлатларнинг тажрибаси ва қоракўлчиликда олиб борилаётган наслчилик ҳамда селекция ишларини ўрганиш ҳамда бу борадаги илғор ютуқларни соҳага жорий этиш кабилар белгиланган.

Шу мақсадда, филиалимиз олимлари томонидан селекциянинг энг сўнгги ютуқларини амалиётда қўллаб, инновацион технологиялар асосида тадқиқот ва изланишлар олиб борилмоқда. Қоракўл териларининг ранги, типи ва нақшдорлигига асосланиб, наслчилик ишларини йўлга қўйиш мақсадида илмий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, қоракўлчиликка ихтисослашган наслчилик хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларига етказиляпти, чўпон-чўлиқлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, белгиланган мақсадларга эришишда қоракўл қўйларининг наслини яхшилаш ва бундай турдаги қўйларнинг яйлов шароитига мослашганини инобатга олиб, яйловлардан самарали фойдаланиш асосий ўрин тутади.

Бу борада наслли қўчқорлардан фойдаланишда тоза зотли урчитиш қонунияти асосида иш олиб борилишини наслчилик хўжаликлари кесимида амалиётга жорий қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди. Республика қоракўлчилик уюшмаси, Бухоро қоракўлчилик бирлашмаси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ташабуси билан вилоятнинг Учқир массивида республика миқёсида наслли қўчқорлар ярмаркаси ташкил қилиниб, минг бошдан зиёд наслли қўчқорлар хўжаликлараро алмашилди.

Қоракўлчилик соҳаси ривожланган хориж давлатлари тажрибаларидан самарали фойдаланиш, қоракўл зотли қўйларни урчитиш билан шуғулланаётган хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги илмий тадқиқотларни бошлаб юбордик.

Соҳа мутахассислари билан илмий анжуманлар ўтказиб, тармоқни инновацион технологиялар асосида ривожлантириш учун муносиб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яйловларни қимматли озуқалар билан бойитиш ҳамда бу ердаги флора оламини интенсив, инновацион технологиялар асосида ривожлантириш кўзда тутилган.



Кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларини ва тажрибаларини ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан бири кластер лойиҳаси бўлиб, ҳозирда иқтисодиётимизнинг тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида бу борада ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Қоракўлчилик соҳасига жипслашган, тежамкор, кластер тизимини жорий қилиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Зеро, кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хомашё етказиб берувчилар ҳамда асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган мажмуа эканлиги бугун ҳаммамизга аён.

Сир эмаски, бугунги кунда кўпчилик қоракўлчиликка аграр соҳанинг гўшт етиштиришга ихтисослашган тармоғи сифатида қарайди. Ҳолбуки, қоракўлчиликдан олинадиган яна бир қатор хомашёлар борки, улар тўқимачилик, фармацевтика, чарм-пойабзал саноати учун қимматли хомашё саналади. Аслида, мамлакатимизда бу турдаги хомашёларни замонавий усулда кайта ишлаш саноати юқори даражада ривожланмагани боис, юқоридаги каби қараш пайдо бўлган, десак тўғрироқ бўлади.

Қоракўлчиликка кластер лойиҳасини жорий қилиш жараёнида асосий эътиборни қоракўл қўйларининг селекцияси ва наслчилик ишларини инновацион технологиялар асосида олиб бориш ишлари билан шуғулланадиган илмий муассасаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қоракўл қўйлари учун тежамкор технологиялар асосида озуқа ишлаб чиқариш мақсадида биологик фаол моддалар ёрдамида бойитилган гранула ишлаб чиқаришга ихтисослашган мини заводлар қуриш, қоракўлча ишлаб чиқариш ва уларга бирламчи ишлов бериш, ошлаш ва экспортга тайёрлаш учун замонавий ускуналар билан жиҳозланган цехлар ташкил этиш, қоракўл тери ва ширдон ишлаб чиқариш, уларга бирламчи ва сўнгги ишлов бериш технологияси тизимини жорий қилиш, жун етиштириш, унга дастлабки ишлов бериш ҳамда ип-калава ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мажмуалар ташкил этишга қаратиш лозим.

Умуман олганда, қоракўлчиликда кластер тизимининг ташкил қилиниши соҳага янги бир инновацион технологияни олиб кириш демакдир. Чунки қўйларни қочириш, ҳомиладорлик даврида озиқлантириш, қўшимча озуқа ишлаб чиқариш, қўзилатиш мавсуми, тери ишлаб чиқариш ва дастлабки ишлов бериш, териларни ошлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, жун ишлаб чиқариш, навларга ажратиш ва ип-калава ишлаб чиқариб, уни тайёр маҳсулотга айлантириш ҳамда сотиш каби жараёнларни ўз ичига олган катта бир занжир саналади.

Маълумки, юртимизда истиқомат қилаётган аҳолининг аксарияти ўз хонадонларида майда шохли ҳайвонларни парваришлашни одат қилишган. Улар бу ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилади. Тери ва жунини мақбул нархда харид қиладиган қайта ишловчи корхоналар бўлмагани боис, қимматбаҳо ва саноат ишлаб чиқариши учун жуда муҳим хомашё саналган тери, жун кабилар ташлаб юборилади. Қоракўлчиликда кластер лойиҳаси амалга оширилса, бу борада аҳоли учун ҳам кенг қулайлик яратилади.

*Латиф шаҳар дея таъриф берилувчи Қўқон азалдан кўплаб шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, мусаввирлар, қўли гул ҳунармандларга бешик бўлган. Бутунжаҳон ҳунармандлари фестивалининг ҳар икки йилда Қўқон шаҳрида ўтказилиши ҳақида давлатимиз раҳбарининг фармони эълон қилингач, ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари авж олиб кетди.*

Фарғона вилояти

# Ҳўқанди латиф

## халқаро ҳунармандлар фестивалига тайёргарлик кўрмоқда

Мазкур фестивалнинг туризм календарь режасига киритилиши миллий ҳунармандчилик соҳасида тажриба алмашиш, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадлар йўлида қутлуғ қадам бўлиб хизмат қилади. Фестиваль кунлари тарихий зиёратгоҳлар бўйлаб уюштириладиган саёҳатлар, ҳунармандчилик ва миллий либослар кўргазмалари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар томошалари, китоблар, альбом ва фотосуратлар савдолари, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоалари, полвонлар чиқишлари халқимизнинг асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган қадриятларини бутун дунёга кўз-кўз этади.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг ўттиздан ортиқ йўналишлари тўла-тўкис шаклланган. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг нақш ва безаклари, тайёрланиши ва жило бериш усуллари, асл дурдоналар яратиш жараёнидаги ўзига хос ёндашувлар орқали ҳар бир йўналишда ўзига хос маҳорат мактаблари яратилган. Ҳозирги пайтда Фарғона вилоятида ҳунармандчиликнинг барча йўналишлари бўйича тўрт минг нафарга яқин ҳунармандлар фаолият олиб бормоқда. Ўз мактабига эга, турли халқаро кўргазмалар ва фестивалларда муваффақиятли қатнашиб келаётган машҳур ҳунармандлар номи ҳам кўпинча ана шу шаҳар билан боғланади.

– Қўқон шаҳри қадимдан маданий мерос объектларига бой бўлган, – дейди Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича минтақалараро маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси раҳбари Саидумар Усмонов. – Шаҳарнинг 62 жойида маданий мерос объектлари мавжуд. Айниқса, Худоёрхон ўрдаси, Жомеъ масжиди, Норбўтабий, Соҳибзода Ҳазрат мадрасалари, Модарихон даҳмаси ва Даҳмаи шоҳон каби зиёратгоҳлар ҳамиша сайёҳлар эътиборида бўлиб турибди. Ҳозирда ҳар бир маданий мерос объекти бўйича турли тилларда рангли ва суратли буклетлар тайёрланмоқда,



фестивалга ташриф буюрувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда.

"Ҳунарманд" уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси, ишчи гуруҳ аъзоси Расулжон Мирзааҳмедовнинг эътироф этишича, бугунги кунда Қўқон шаҳрида уюшманинг 300 аъзоси самарали иш олиб бормоқда. Қўқон халқ амалий санъати ва ёғоч ўймакорлиги соҳасида алоҳида мактаб яратган Қодиржон Ҳайдаровнинг олтинчи авлоди бўлган Мирзаюнус Умаров сулола анъаналарини фахр билан давом эттириб келмоқда. Шогирдларига бош-қош бўлиб, ёғочга мўъжизавий нақшлар битаётган моҳир ҳунарманд халқаро фестивалга тайёргарлик ишларини жадал олиб бормоқда.

Шу ерда сулоланинг еттинчи авлоди вакиллари билан ҳам танишишга муяссар бўлдик. Улар – Отабек, Жамшид ва Жаҳонгир. Бу забардаст ҳунармандлар ўнлаб шогирдларини ёнига олиб, ислимий нақшлар билан безатиладиган айвон ва устунлар, нозик дид билан ишлов бериладиган тарихий буюмлар, эсдалик совғалари тайёрламоқдалар. Ранг-баранг маҳсулотлари фестиваль кунлари кўргазмага қўйилиб, меҳмонларга завқ бағишлайди.

Қўқонда нафақат ёғоч ўймакорлиги бўйича донг таратган ҳунарманд усталар, балки, кандакорлар, мисгарлар, пичоқ, ханжар, қилич ясовчи ҳунармандлар, қамчи, эгар, арава каби халқ эҳтиёжига керак бўлган ҳунармандчилик буюмлари ясайдиганлар моҳир усталар ҳам кўп.

Улар миллий ҳунармандчилигимизга бўлган меҳр-эътиборни кучайтириб, ноёб ҳунарларимизнинг халқаро миқёсда юксак эътироф этилиши учун жон куйдиряптилар. Анъанавий тус олиши кутилаётган фестиваль жаҳон миқёсида сайёҳларни энг кўп жалб этадиган халқаро анжуманлардан бирига айланиши шубҳасиз.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# "...Дунё ҳамжамияти яна биздан андоза олади",

***– дейди Лондондан келиб иш бошлаган, Навоий вилояти ҳокимининг инвестиция ва инновациялар бўйича маслаҳатчиси НАЗИРЖОН ЖЎРАЕВ***

Мамлакатимиз Президентининг хорижий мамлакатларга сафарлари давомида у ерда яшаётган ва фаолият юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшларни юртимизга жалб қилиш борасидаги таклифлари Лондонда фаолият юритаётган ёш мутахассис Назиржон Жўраевнинг ҳам оромини ўғирлади. Уни тарбиялаб, вояга етказган Ватанига хизмат қилиш мақсадини рўёбга чиқаришига асос бўлган бу чақириққа у "лаббай", дея жавоб берди.

Кармана туманида туғилиб вояга етган Назиржон Жўраев илк олий таълимни Навоий давлат кончилик институтида олди. Сўнгра 2007 йилда Лондон бухгалтерия ва молия коллежини тамомлаб, Англиядаги "Oceanic Village LTD" компаниясида менежер бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда у 2011 йилгача ишлаб, тажриба орттирди. 2011-2018 йилларда эса "Jones Lang Lasalle" компаниясида бизнес иншоотларини бошқариш бўйича менежер ёрдамчиси вазифасида ишлади. Шунингдек, у Лондонда ўтказган йиллари давомида қимматли қоғозлар бозорида тажриба тўплади ва Англия Раскин университетининг магистратура босқичида таълим олди. Хорижда ишлаб тажриба орттирган, эндигина 36 ёшни қарши олган мутахассис яқинда Навоий вилояти ҳокимининг инвестиция ва инновациялар бўйича маслаҳатчиси вазифасига тайинланди.

– Ўзбекистонда мен каби ёш мутахассисларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини кўриб, туғилиб ўсган юртимга қайтиб, хизмат қилишга қарор қилдим, – дейди у. – Вилоятимиз табиий ресурсларга бой ҳудуд ҳисобланади. Хусусан, ер ости ва ер усти табиий захираларидан қурилиш индустриясида кенг фойдаланиладиган шиша, мармар ва гранит тошлари ҳамда базальт толасини ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиб чиқдим. Бизда хорижий инвесторлар билан мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Хорижда ўрганганларимни юртимизда қўллаш имкониятига эга бўлганим учун Президентимиздан миннатдорман.

Тажрибали мутахассис бир қатор инновацион ғояларни ўз ичига олган инвестицион лойиҳалар бўйича ўз таклифларини илгари сурмоқда.

– Аждодларимизнинг дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшгани ҳаммага маълум, – дейди Назиржон Жўраев. – Биз уларга муносиб авлод эканлигимизни исботлаб, мамлакатимизни, албатта, цивилизация марказига айлантирамиз. Шунда дунё ҳамжамияти яна биздан андоза олади. Мен бунга ишонаман.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Сув танқислиги муаммоси охирги йилларда кўплаб давлатларда, айниқса, Орол денгизи бўйи минтақасида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу шароит сувнинг ҳар бир томчисидан имкон қадар самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу талаб, айниқса, сувни энг кўп истеъмол қилувчи соҳа – қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ўта долзарб.*

# Сув — давлат мулки, умуммиллий бойлик



Сув – Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки эканлиги, умуммиллий бойлик ҳисобланиши, сувдан оқилона фойдаланиш лозимлиги, у давлат томонидан қўриқланиши Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунида белгиланган. Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Инспекциянинг жойлардаги бўлимлари томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгалари ўртасида ўтказилган қатор тадбирлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан керакли кўрсатмалар берилиб, ҳуқуқбузарликлар бўйича тегишли чоралар кўриб келинмоқда.

Жумладан, Зангиота тумани Туркистон массивида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳолати ўрганилганида, қатор камчилик ва ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Баъзи фермер хўжаликларида ҳудуддаги Сув истеъмолчилари уюшмаси билан шартнома тузмасдан сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, оқиб кираётган сувни қаровсиз ҳолда қолдириб коллектор-дренаж тармоғига мақсадсиз оқизиб қўйилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат "Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида"ги Низомнинг тегишли бандлари талаблари бузилганидан далолатдир. Бундай ҳолатда фермерларга маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўғатилиб, туман маъмурий судига юборилган ва тегишли жазо чораси қўлланилган.

Мақсадимиз, йўл қўйилган камчиликларни такрорламасдан, хатолардан тўғри хулоса чиқариб, қонунни бузмасликка даъват қилишдир. Зеро, ҳар бир ишнинг қонун доирасида ҳал қилиниши, тараққиётга қўйилаётга дадил қадамдир.

**Жума ҚАЮМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент вилояти бошқармаси ташкилий назорат ва таҳлил бўлими бош инспектори.*

Хоразм вилояти

# Қўшкўпир "Иқболи..."

*Тадбиркор Рустам Холбоевнинг салкам 2 миллиард сўм инвестиция киритиши ҳисобига ишга тушган ушбу клиникада 30 иш ўрни яратилди. Бинонинг ташқи кўриниши қанчалик кўркам бўлса, ичкаридаги ҳолат ҳам шунга монанд. Муолажа хоналари шинам, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Клиника биноси бир пайтлар санаторий-профилакторий эди.*

Бошқа вилоятлардан ҳам шифоталаблар келиб, даволаниб кетарди. Кейинчалик мазкур шифо маскани таъмирга муҳтожлиги, жиҳозларининг эскиргани ва бошқа сабабларга кўра фаолиятини тўхтатганди. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган тадбиркор ўтган йили уч қаватли, ҳувиллаб ётган ушбу бинони клиникага айлантириш ниятида иш бошлади ва бу хайрли иш ўзининг ижобий натижасини берди. Туман аҳли яна бир шифо масканига эга бўлди.

– Ўз маблағим ва кредит эвазига иш олиб бордик, – дейди тадбиркор Рустамбек Холбоев. – Мақсадимиз, туман аҳлига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, соғломлаштириш ишларини йўлга қўйишдир. Тажрибали шифокор, хорижда малакасини ошириб қайтган Темур Абдримов бош шифокор этиб тайинланди. Унинг бошчилигида терапевтик, жарроҳлик, гинекологик, асаб, саратон, болалар касалликлари бўйича даволаш ишлари амалга оширияпти. 865 метр чуқурликда шифобахш сув мавжудлиги аниқланган. Эндиги режамиз фаолиятимизни янада кенгайтириб, санаторий йўналишида ҳам даволашни йўлга қўйишдир.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари фуқаролардан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишни, ёнғинга олиб келувчи мосламалардан фойдаланишнинг олдини олишни, тўсатдан чиққан ис гази ва олов офатга айланмаслиги учун ҳушёр бўлишни сўрайди.*

# Ис газидан эҳтиёт бўлинг!

Ис гази (SO) рангсиз, ҳидсиз, заҳарли бирикма бўлиб, ёқилғи, кўмир, ўтин чўғлари, табиий газнинг бутунлай ёнмаслиги натижасида юзага келади. Ушбу модда инсон организмига нафас йўллари орқали таъсир қилади. У гемоглобин билан кислородга нисбатан 300 марта кучли бирикма – карбоксигемоглобинни ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш қобилияти сусаяди ва бу гипоксия (кислород етишмаслиги ), оғир ҳолларда эса анорексияга олиб келади. Бунинг эса ўлим билан тугаш эҳтимоли жуда юқори.

Бундай оқибатларга дуч келмаслик учун доимо ҳушёр бўлишимиз зарур.

**Муҳаббат КАМИЛОВА,**
*Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ "Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, лейтенант.*

Бугунги кунда мамлакатимизда барча жабҳаларда бўлгани каби аграр соҳани янада ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигида замонавий усуллардан оқилона фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда кластерларнинг соҳа локомотивига айланиши эътироф этиляпти.




*Биз бугун қишлоқ хўжалиги кластерининг ерни шудгорлашдан тортиб, экиш, парваришлаш ва хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс тизимга эга корхона эканлигидан хабардормиз. Республикамизда ана шундай тизимга эга бўлган кластер ҳозирча иккита бўлиб, булар Бухоро вилоятидаги "BCT Clister" ва Сирдарё вилоятидаги "BEK CLister" масъулияти чекланган жамиятларидир. Қолган кластерлар эса ҳозирча фермер хўжаликлари билан фючерсь шартномаси асосида ҳамкорлик қилмоқда.*

Эътирофли жиҳатини айтиб ўтмоқ жоиз. Кластер ташкил этилган ҳудудлардаги қишлоқ аҳли ўз вақтида маош берадиган иш берувчи топганидан мамнун бўлса, кластер билан ҳамкорлик қилаётган фермерлар етиштирган маҳсулоти ҳақини ўз вақтида олаётганидан боши кўкда. Чунки кластер раҳбарияти ишчининг маошию маҳсулот етиштирган фермернинг ҳақини тўлашда баҳона топмайди. Чунки тадбиркор харажатсиз ҳаракатнинг "0" га тенглигини яхши билади. Шу боис, кластер раҳбарияти ўзларига ажратилган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни томчилатиб суғориш, ер майдонларини лазерли текислагич билан кафтдек қилиб текислаш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу мақсадда кластерларнинг техника паркига 2 мингдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинди. Сувдан самарали фойдаланиш учун 3 минг 163 гектар майдондаги экинлар эгилувчан кўчма қувурлар орқали суғорилди ва 50 гектар майдонда тажриба сифатида томчилатиб суғориш жорий қилинди. Амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар эзгулик учун. Аммо ҳар қанча ҳаракат, меҳнат қилинмасин, табиат ўз ҳукмини ўтказади. Ўтган йили айни чигит экиш мавсумида об-ҳавонинг ноқулай келиши деҳқонларни жиддий синовдан ўтказди. Жумладан, кластерларнинг чигит экилган майдонларида ҳам бузиб экишлар рўй берди. Натижада пахтанинг етилиши кечикди. Шу сабабдан Сирдарё вилоятидаги "BEK CLister" ва Фарғона вилоятидаги "Рус Ўзбектекс" масъулияти чекланган жамиятларидан ташқари, бирорта кластер пахта етиштиришда ўз олдига қўйган натижага эришолмади. Республика бўйича кластерларга ажратилган қарийб 157 минг гектар майдонда 364 минг 200 тонна пахта хомашёси етиштирилиб, режа 80,35 фоизга уддаланди, холос. Албатта, бундан салбий хулоса чиқариш керак эмас. Боиси, мўлжалдаги ҳосилни яратишга табиий омиллар ва дастлабки йилдаги тажрибасизлик сабаб бўлган бўлса-да, мавжуд ҳосилдан олинадиган қўшимча қийматли маҳсулотлар кластер учун барибир фойда келтиради. Пахта-тўқимачилик саноатининг ривожланиши истиқболда экспорт имкониятларини оширади. Ерга қадалган чигитнинг униб, пахта, тола, ип-калава пировардида тайёр сифатли кийим-кечакка айланиб, хориж бозорида сотилиши тупроқ билан тиллашиб, ризқ ундирадиган деҳқоннинг ҳам косасини оқартириши шубҳасиз. Сабаби, бошқарув кластерда бўлгани билан, барибир экинни экиб, ҳосилни етиштирувчи деҳқон бўлиб қолаверади. Олдингидан фарқли равишда деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги кафолатланади.

Жорий йилда 1 миллион гектардан ошиқ ер майдонига пахта экиш кўзда тутилган. Унинг 51 фоизида 61 та кластер томонидан пахта етиштириш режалаштирилмоқда. Янги қувватларни ташкил этиш ва кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш натижасида, жорий йилда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 78 фоизи ўзимизда қайта ишланса, 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 100 фоизга етади. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш улуши эса 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилади. 2019 йилда 1,9 миллиард долларлик тўқимачилик саноати маҳсулоти экспорт қилиниши режалаштирилган. Шу ўринда мамлакатда бир йилда 3,5 миллион тонна пахта хомашёси ва 1,2 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилишини эслатиб ўтиш лозим. Ушбу тола рақобатбардош, харидоргир маҳсулотга айлантирилиб, экспорт қилинадиган бўлса, ана ўшандагина пахтадан бойлик яратган бўламиз.

Кластер хусусида сўз юритар эканмиз, уларга берилган имтиёзлар ва кўндаланг турган муаммоларга ҳам тўхталишни лозим топдик. Пахта – тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда экилиши белгиланган ғўза навларини мустақил равишда жойлаштириш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, импорт қилинадиган техника, минерал ўғитлар ва бошқа материалларга божхона ва солиқ имтиёзлари, пахтадан олинган чигитни қайтариш асосида ёғ-мой корхоналарига, ёғ-мой маҳсулотини кейинчалик биржа савдолари орқали реализация қилиш, қўшимча маҳсулотларни маҳаллий истеъмолчиларга биржа савдолари ёки тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи, шунингдек, жамғармадан йилига 3 фоиздан ортиқ бўлмаган фоиз ставкаси бўйича пахта хомашёси сотадиган фермер хўжаликларини молиялаштириш учун маблағлар ажратилиши, ҳудудида жойлашган пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотларини 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида сотиб олиш имконияти яратилди.

2019 йил пахта хомашёсини етиштириш учун контрактация шартномалари тузишда фермер хўжаликларининг рўйхатини аниқлаш ва ер майдонларини ажратиш ниҳоясига етмагани, ер майдонларини кузги тайёрлаш ва баҳорги-ёзги агротехник тадбирлар учун талаб этиладиган минерал ўғитлар таъминотида узилишлар юз бераётгани, кластер корхоналарининг ўз эҳтиёжи учун ишлатиладиган пахта толасини мажбурий сертификациясининг жорий этилиши ва пахта тозалаш корхоналарини баҳолаш ва сотиш ишларининг белгиланган муддатларда амалга оширилмаётгани кластерларнинг олдидаги ечимини кутаётган муаммолардир.

Пахтачиликнинг истиқболи кластернинг тараққий этишига боғлиқ экан, муаммолар ўз ечимини топади, албатта. Чунки давлатимиз раҳбари пахта етиштиришда кластер усули энг тўғри ечим эканлигини соҳага оид йиғилишларда тез-тез таъкидлаб, бу борадаги йўналишларни белгилаб бермоқдалар.

Пахта етиштириш давлат монополиясидан чиқарилиб, хусусий сектор тасарруфига ўтяпти. Бунда одамлар пахта учун ишламайди, аксинча пахта инсонлар манфаатига хизмат қилади. Турли-туман касб вакиллари ҳам ўз ишини ташлаб, фермерларнинг даласида вакилчилик қилиб, вақтини исроф қилмайди. Пахта терим мавсумида эса дунёнинг нигоҳи бизга қадалмайди. Кластер том маънода чигитдан тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи ўз қўлига олиб, пахта ва тўқимачилик саноатининг ҳақиқий эгасига айланади.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Қишлоқ оқшоми

# «ТЕМИР ДАФТАР»

*Ҳикоя*



Омон кал ариқ ёқалаб, томорқасига сув ҳайдаб келаётса, сой адоғидаги муюлишда қўшниси Ширинбой қора берди. Малла ҳангисини ҳангратганича, қичаб-қичаб ҳайдаб келяпти. Қараса, думоғи чоғ, тилло топган тентакдан фарқи кам.

– Ҳа, Ширинбой, кеч бўлганда, қаерлардан келяпсан, – деди беписандлик билан Омон кал.

– Яккатутдан, – деди у оғзи қулоғида. – Олма сотиб келяпман. Бир хуржуну бир лунгича тагига тўкилганидан олиб кетувдим. Тала-тала қилиб олишди, бечоралар. Чириган-пириганлариям кўп эди. Тез-тез обкелиб туринг, пишиқчиликда тўйиб-тўйиб еб қолайлик, дейишди, лалми оғайнилар. Ўзи шуларнинг асли пешонаси шўр экан. Мева тугул уйининг олдида соя берадиган ҳам дарахти йўқ, кўпининг. Худога минг қатла шукур, бизнинг жойлар жаннатнинг ўзгинаси...

– Ҳа, тўғри айтасан, ошна, бизникига етадигани йўқ, – деди Омон калнинг шумлиги тутиб. – Яхши, овинг бароридан келибди... Шу десанг... ишонасанми, йўқми, буёғини ўзинг биласан-ку, шу Михли аканинг "темир дафтар"ига сен ҳам тушибсан-да!

– Михли?... Анави носфурушми?, – каловланиб сўради Ширинбой. – А, мен нос чекмасам, қандай қилиб унинг "темир дафтар"ига тушаман? Эс-песи жойидами, унинг ўзи?

– Йўўўқ, тушунмадинг, – кулимсираб гап бошлади Омон кал. – "Темир дафтар" бу, насия дафтар эмас. Михли ака нос сотади, олдига кўп одам келади. Ҳамма билан гаплашавериб, кимнинг қанақалигини билади. Унинг ҳам феъли қизиқ-да, тунов куни ўтириб-ўтириб хаёлига бир фикр келиб қолибди: қишлоғимиздаги эркакларнинг қанчаси хотинидан қўрқади-ю, қанчаси қўрқмайди!? Бу унга қизиқ туюлгандир-да, ўғлининг шартта бир янги дафтарини очиб, рўйхат тузибди. Хотинидан қўрқадиганларнинг олдига минус, қўрқмайдиганлариникига плюс қўйиб чиқибди.

– Қаердан биларкан, кимнинг хотинидан қўрқиш, қўрқмаслигини, – энсасини қотирган қўйи сўради Ширинбой.

– Энди, ошна, у кўп билан муомала қилади, носфуруш бўлганидан кейин шу-да! Сениям кимдандир сўраб билгандир, бир қишлоқ бўлсак, барибир бу нарса аён бўлади-да, ахир!, – деди Омон кал жиддий оҳангда.

– Биз қайсинисида эканмиз, билдингми?

– Очиғи, менам бировдан эшитдим. Уни айтмай қўяверай. Ўзинг тагига етганинг маъқул. Шу... Сенам бизга ўхшаб, қўрқадиганлар ичида эконсан. Ҳай, мен-ку, майли, сени бу рўйхатга тиркаганига ҳайрон бўлдим...

Ўқ нишонга текканди. Ширинбойники бирданига тутиб кетди:

– Ҳали шошмай турсин, Михлининг кўзини ўяман, кўрсатиб қўяман унга хотиндан қўрқишни...

Омон кал дарров вазиятни қўлга олди:

– Ўзи жаҳлинг бурнингни учида туради-да, ошна! Шунгаям қизишасанми? Михли ака бир бекоркасал носфуруш бўлса, зерикканидан ўйлаб топгандир-да!? Қўй, жонинг чиқмасин, қўрқмайдиганлар қаторига ўтиб олишинг ҳам мумкин.

– Қандай қилиб?

– Бунинг йўли осон экан. Мен ҳам кейин билиб қолдим. Мактаб қоровули Шариф акадан эшитдиму, шартта икки шиша винони олиб, Михли аканикига бордим. Михли ака газак обчиқди, уйининг орқасидаги ариқ лабида ўтириб, винони урдик. Шундан сўнг у кўзимнинг олдида минусни плюс қилиб қўйди. Шу билан олам гулистон бўлди, қолди. Шундай, бунинг йўли оппа-осон, бир шиша арoқ ёки икки шиша вино жазаси, ошна!

Омон кал Ширинбойнинг бу гапларга чиппа-чин ишонганига ишонч ҳосил қилгач, кетмонини елкасига ташлади-да, йўлида давом этаверди.

Эшагида эси кетиб ўтирган Ширинбой ҳам эс-ҳушини йиғиб олди. Эшагини ниқтади. Қўлидаги учли халачўпни елкасига суқиб-суқиб олди. Жонивор йўртиб-йўртиб кетди. Бу пайт Омон кал ариқ ёқалаб ўсган тутлар панасида тиржайиб турарди.

Ширинбойнинг йўлда баттар ажинаси тутди. Аламини эшагидан олди. Чапараста сўкинганича халачўп билан кетига туширди. Жонивор ёнбошга бир майишди-да, оғриққа чидолмай ҳанграб юборди ва қўшоёқ отиб чопа кетди.

Ширинбой уйига келгач, хўржунни олди-да, эшакни бир тепиб оғилхонага киргизиб юборди. Бу пайт ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. У қўлидаги хўржунни қозиққа илиб, қовоғини уйганича, тўғри боққа ўтиб кетди. Боғ кунгай бетда эмасми, бутун қишлоқ кафтдагидай кўриниб турарди. Ширинбой қишлоққа, сой бўйлаб тариқдай сочилган уйларга разм солди. Қишлоқ одамлари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Хотинидан қўрқадиганларни ўзича тусмоллади. Иккиланди, яна фикридан қайтди. Охири ўзини ўйлади. Бир осмонга қаради, бир ерга қаради. Қари тут шохлари орасидан мунғайибгина турган уйига боқди. Сомон сувоғини баҳорги ёмғирлар ювган пастак пахса деворларга тикилиб қолди. Ҳақиқатан ҳам хотинимдан қўрқаманми, а, ўйлади. Йўғай, бундай бўлмаса керагов?!

Ширинбойнинг жаҳли чиққанидан чаккалари, бурнининг учлари қизариб кетганди. Ҳар-ҳар замон ичида ғўлдираб сўкиниб қўярди. Патларини ҳурпайтирганча талаб излаётган куркадай уёқа ўтди, буёққа ўтди, бир амаллаб кунни кеч қилди. На хотинига, на болаларига бир оғиз гап қотди. Тимирскиланиб юраверди. Лекин роса ичи торикди. Қош қораяр-қораймас аста боғ тарафдаги эрганак эшикдан чиқиб, Нишон бутканикига йўл солди. Қараса, орқасидан Бўйноқ эргашибди, кесак отиб ҳайдади. Ит индамай ортига қайтди.

Нишон бутка аввалига ҳайрон бўлди.

– Ширинбой, сен ҳеч ичмасдинг-ку! Бошладингми, ё?

– Ҳа, бошласамми, деб турибман, яшашданам бир маъни қолмади, ака, – деди Ширинбой нолиган қуйи.

– Эй, қўй, ука! Бошламаганинг яхши. Ичиб барака топмайсан. Бу зормандани ичиб ҳеч кимнинг шохи чиққани йўқ. Агар чиққанида мен ҳам ичардим.

– Бу зормандани неча йиллардан бери сотасиз, Нишонбой ака?

– Эсломлайман, ука! Баччалигимдан сотаман. Отамерос иш-да!

– Бўта боваям сотганми?

– Ҳа, илгари сотган. Отамнинг бу зормандани сота бошлаши ҳам қизиқ бўлган экан. Айтишларича, у замонлар қишлоғимизда ичувчилар саноқлигина бўлиб, яшириб ичишаркан. Муллалар, махсум бовалар сезиб қолишса, бурнидан чиқаришган-да! Кўпинча қиш паллалари Банги бова, Ертиш бова, Маҳкам бова бирга улфатчилик қилишаркан Ертиш бованинг Қизил булоқдаги ертўласида. Отам раҳматли уларга отида беш чақирим наридан арoқ таширкан. Қишлоғимизда ҳеч ким сотмаган-да! Энг қизиғи, ҳар борганида бир шишадан олиб келаркан. Бира тўла олиб келса бўлади-ку, лекин чоллар шу охиргиси, дея битта-битта обкелтираркан. Отамга ҳар бориб келгани учун бир сумдан беришаркан. Бир куни уларнинг гурунги қизиб, иштаҳаси очилиб кетганми, отам етти марта қатнаб, етти сум ишлабди. Шу пулга кейин битта жун чакмон олган экан. Ҳалиям бор шу чакмон, қишда мол-ҳолга қаращда кияман.

– Бўта бова ҳадеб, қатнайвераманми, дея ўзи сотувни бошлаб юборган экан-да-а?

– Ҳа, ўша пайтлари пойгакда ўтириб, ўзиям таъмини тотган, кейин-кейин қатнайвериш жонига тегиб, уйга кўпроқ обкеб қўядиган бўлган-да! Отам раҳматли у боваларни кўп эсларди. Қизиқ-қизиқ гурунгларини айтиб берарди...

Нишон бутка олдинлари Ширинбой билан кўпам ҳамсуҳбат бўлмагани, уни яқиндан билмагани учун анчайин жиддий гаплашди. Апоқ-чапоқ бўлиб кетган эски танишлари, "Кўп гапирманг, бошни даволанг", деб келиб турадиган "доимий клиент"ларига қиладигандек, ҳазил-ҳузул қилмади, фақат ичма, дея насиҳат қилган киши бўлди-ю, қўлига биттани тутқазиб, пулини санаб олиб қолаверди. Ширинбой ундан хотинидан қўрқиш-қўрмаслигини бир сўраб кўрмоқчи бўлди, ҳадди сиғмади. "Аввалдан ош-қатиқ бўлиб юрмаган бўлсам, уят бўлар", дея ўйлади ва қўлидаги яримтани авайлабгина қўлтиғига қисиб, тўғри Михли аканикига жўнади.

Ширинбой етиб келганида Михли ака дарвозаси биқинидаги дўконида нос тортадиган миттти тарозисини, ҳар хил ўлчамли тошчаларини ишқалаб, тозалаётган экан.

– Ҳорманг, Михли ака, – деди бошини дўконнинг торгина дарчасидан тиқиб Ширинбой.

– Эй, бор бўлинг, Ширинбой, эсон-омонмисиз, – дея секин ўрнидан туриб келиб қўл бериб сўрашди Михли ака.

– Ҳа, амаллаб юрибмиз, ака. Битта яримтани олиб келувдим. Газакка бирор нарсангиз борми, деди дабдурустдан Ширинбой.

– Эя, бундай одатингиз йўқ эди-ку! Ё...

– Йўқ эдику-я... Минғирлаб қўйди Ширинбой.

– Ундай бўлса, киринг, газак бўлса, топамиз, – деди Михли ака оғзи қулоғида.

Ширинбой дарвозадан айланиб дўконга кирди ва қўлидагини Михли акага тутқазди. Михли ака сиз ўтириб туринг, мен ҳозир келаман, деди-ю чиқиб кетди ва бир пасда энди ранг кира бошлаган бир бош чиллаки узум кўтариб келди.

– Бу газакка зўр-да, ошна, – деди қўлларини бир-бирига ишқаб Михли ака. – Ўзиям нордонгина, ҳали тўлиқ ширага кирмаган. Қоронғулик қилди-да, бўмаса етилиб қолганлариям бор эди. Қўлимга илашганини узиб чиқавердим.

Михли ака пиёлаларга тўлдириб қуйди ва ҳа, бўмаса михладик, дея бир кўтаришда пиёлани бўшатиб жойига қўйди. У уч-тўрт дона узум донасини оғзига солар экан, Ширинбойга ҳам олинг, ишорасини қилди. Ширинбой бир зум иккиланиб турди-да, охиригача ичиб юборди. Михли ака унга дарҳол бир шингил узум узатди ва маладес, дея елкасига қоқиб қўйди. Ширинбой оғзидаги газакни ютиб улгурмасидан, Михли ака биринчиси билан иккинчисининг орасидан қил ҳам ўтмасин, деган экан биздан олдингилар, дея яна қуйди. Ичилди. Иккинчиси учинчисига уланди. Ҳаш-паш дегунча шиша бўшади, қолди.

– Михли ака, – деди Ширинбой ширингина бўлиб қолгач гинаомуз. – Энди, энди... ҳалиги дафтарингизни олинг! Бизникини плюс қилиб қўйинг, ака!

– Қанақа дафтар, тушунтириброқ гапиринг, Ширинбой!

– Анави, "темир дафтар"-да, қанақа бўларди...

– Ҳеч қанақа "темир дафтар" йўқ, насия дафтарим бор. Сизнинг қарзингиз йўқ эдиёв!?

– Ака... Михли ака, илтимос, мени плюс қилиб қўйинг. Эшитган қулоққа яхшимас. Хотиндан қўрқсак, ўлган эканмиз, ака!

– Ув, Ширинбой, бу нимаси, нима эшитган қулоққа яхшимас? Хотиндан қўрқиш нимаси?

– Мен "темир дафтар"ингизда хотиндан қўрқадиганлар қаторида эканман-ку! Шуни айтаяпман, плюс қилиб, қўрқмайдиганлар ичига ўтказиб қўйинг, деяпман.

– Ширинбой, одам билан ўтиб ҳазиллашманг, менинг ёшим сиздан анча катта! Яримта олиб келдим, деб ҳар нарсани гапиравересизми, энди... Бундай эмас-да, ахир! Кайпам учиб кетди.

– Хотинидан қўрқадиган ва қўрқмайдиганлар рўйхати тузилган дафтарингиз борми? Қишлоғимиз эркаклариники?

– Қизиқ экансан-ку! Мен нима қиламан ундай дафтарни, бошимга ураманми? Хотинидан қўрқса, қўрқмаса менга нима дахли бор? Сизга умуман тушунмаяпман, Ширинбой!

– Омон кал айтди-ку, шундай дафтар тутибсиз. Қишлоқда ким хотинидан қўрқади-ю, ким қўрқмайди? Шуларни рўйхат қилибсиз...

– Ким, ким?

– Омон кал, ҳамсоям...

Шундан сўнггина Михли ака нима гаплигини тушунди. Тушунди-ю, бирданига кулиб юборди.

– Ширинбой, сизни Омон кал алдабди, боплаб лаққиллатибди. Менда "темир дафтар" ҳам, рўйхат ҳам йўқ. Ҳозир сиздан эшитиб турибман. Ука, буни бировга гапириб юрманг, ўзингиз кулгига қоласиз.

– Ростданми, – деди Ширинбой кўзларини катта-катта очиб. – Аблаҳ! Мен ҳали унга кўрсатаман.

– Ширинбой, бу гапларни Омон калга айтмай қўяверинг, баттар чувалашиб кетади. Эшитган қулоқ борми, ёдидан чиқармайди. Бир умр кулгига қоласиз.

– Тўғри айтасиз-ай, Михли ака! Шармanda бўлиш ҳеч гапамас...

– Омон кал ўта шум. Ҳали мендан келиб сўрайди. Билмасликка олиб қўяверaман-да-а, маъноли илжайди Михли ака.

– Шундай қилинг, ака, шундай қилинг! Агар у кал билгидай бўлса, яна бир нарсани ўйлаб топади...

Ширинбой Омон express кални нима деса, деди. Айтмаган гапи, отмаган тоши қолмади. Михли ака уни юпатди. Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка ваъда берди. Ширинбой ёш боладай қувониб кетди. Михли акани меҳр билан қучиб, пешонасидан "чўлп" этиб ўпиб қўйди ва "Биир енгил тортдим-ай, ака!", деганича ваъда ҳақи-ҳурмати яна Нишон бутканикига йўл олди...

**Раимқул СУЯРОВ**

*Бахмал тумани ҳудудида кўплаб дара, қинғир-қийшиқ сўқмоқ, адоқсиз яйлов ва баланд чўққилар кўп. Улар осмонўпар Ойқор тоғларига туташиб кетган. Ойқор ой шаклини эслатувчи оппоқ қор билан қопланганлиги учун шундай номланган. Тоғ чўққиларида кўп йиллик қор қопламлари мавжуд. Паст-баланд йўллардан юриш кўп меҳнат талаб этади. Бу хилват гўшани кўпдан жигарранг ва қўнғир айиқлар макон қилишган.*

# ОНА АЙИҚ, меҳри устун чиқди

Куз охирлаб очликдан силласи қуриган эркак айиқ емиш топиш илинжида бутазор оралаб бораркан, тоғ эчкиси боласининг исини сезиб қолди. Улоқча омон қолиш учун жойида қимирламай ётиши керак. Ҳатто нафас олса ҳам ўзини фош қилиб қўйиши мумкин. Айиқнинг бурни жуда сезгир. У ҳид билиш ва кўриш ёрдамида "ов" қилади. Ясси бурни ва ўткир тирноқларидан ўлжаси қочиб қутулолмайди. Яхшиям бир неча соат олдин бўлиб ўтган жала ва тошқиндан сўнг овчи ўлжа исини йўқотиб қўйди. Омад унга кулиб боқмади. Улоқча йиртқичдан қутулиб қолди. Айиқ куч тўплаши учун кўпроқ озиқланиши ва қишки уйқу олдидан илиқ кунлардан фойдаланиб, вазн тўпламоғи лозим. Мева қолдиқлари, ўт-ўлан ва майда кемирувчилар унинг қорнини тўйдира олмайди. Айиқлар ҳаёти шунга боғлиқ.

Орадан бир неча ҳафта ўтиб, тоғларга қалин қор ёғди. Аччиқ, аёзли кунлар тобора авжига чиқар, атрофдаги дарё ва кўллар ҳам музлаган сайин совуқ забтига олганди. Бу пайтда айиқларнинг асосий қисми уяларида бўлишади. Улар қишки уйқуда пайти ҳам мудраб, хавф-хатарни сезиб ётадилар. Негаки, хавф ҳар қадамда уларга таҳдид солиб туради.

Она айиқ кафтдек очиқ майдонда болаларини эргаштирганича қуёш тафтидан яйраб, тоза ҳаводан нафас оларкан ҳар лаҳза ҳушёр ва зийрак. У айиқчаларга ўлжасининг исини билиш, шамолга қарши орқа ўгириб олиш, бошпана топиш каби қишдан омон чиқиш сабоқларини ўргатарди.

Кутилмаганда улар алп қоматли ёш эркак айиққа тўқнаш келади. Унинг панжалари гурзидек бўлиб, анча тажовузкор. Йиртқичнинг ўкириги ва ириллашидан атрофни ўрганаётган айиқчалар ҳушёр тортишди. Хавфли вазият. Очиқ майдонда ҳар нарса бўлиши мумкин. Қаҳратон қишда йиртқич ҳайвонларнинг ҳаёт кечириши ва озиқланишида ўзига хос қийинчиликлар бор. Тоғларнинг шафқатсиз шароитига мослашган ва болаларини ҳимоялашнинг ҳадисини олган она айиқ учун кичкинтойлар хавфсизлиги биринчи ўринда туради.

Бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда теракзорлардан иборат ўрмон ястаниб ётар, она-бола айиқлар шу томонга қараб чекиниш ҳаракатига тушишди. Очлик азобида тинка-мадори қуриган эркак айиқ эса ҳамон уларнинг ортидан эргашиб борарди. Айиқчалар дарахтга тирмашиб чиқишга уста, худди оёқларини илгакка қўйгандек юқорига бемалол ҳаракатланишарди. Баланд терак дарахти улар учун ишончли бошпана. Шу-шу айиқчалар хавфдан қутулиб қолишди. Олдинда ҳали уларни оғир кунлар кутмоқда.

Она айиқ болаларига жуда ғамхўр. Унинг тўқнашувда куч синашиши кутилмоқда. Ҳар гал рақиби билан юзма-юз келганида она айиқнинг довюраклиги яққол намоён бўлади. У жонини хатарга қўйиб бўлса ҳам душмани билан олишишга мажбур. Олишувда фақат кучнинг ўзигина кифоя қилмай маҳорат ҳам зарурлигини у яхши биларди. Мана, болаларига садоқатли ва ғамхўр она айиқ юз берадиган ҳаёт-мамот жангига тайёргарлик кўрмоқда.

Олишув турли кўнгилсизликларга, ҳатто уларнинг жароҳатланиши ўлимига ҳам олиб келиши мумкин. Эркак айиқ гавдасини кўз-кўз қиларкан, унга яқинроқ келиб ҳидлай бошлади. Бу унинг ҳаяжонланаётганидан дарак берарди.

Она айиқнинг кутилмаганда ўзида катта куч ва журъат топиб, дадил ҳужумга ўтиши душманни довдиратиб қўйди. Очликдан ҳолдан тойган ёш, тажрибасиз эркак айиқ эса таваккал қилишга тайёр эмасди ва устунликка эриша олмаслигига кўзи етди. Унинг таслим бўлишдан бошқа иложи йўқ эди.

Она айиқ болаларини хавфдан қутқариб қолди ва аёвсиз курашлари билан атрофдагиларга нималарга қодир эканлигини намоён этди.

**Абдулла САИДОВ**

## Реклама ва эълонлар







Тошкент ш. Яшнобод т. Зебо Шамсутдинова кўч. 8-уй 42-хонадонга Мирашник Татьяна Павловна номига 1993 йил 27 декабрда берилган 07-02/2199-07-1079 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Яккасарой т. "Ягона дарча" маркази томонидан 2018 й. 22 октябрдаги 644680 сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "KRIA TOUR" МЧЖнинг устав фондини 250 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

* * *

Яшнобод т. Давлат хизматлари маркази томонидан 2017 йил 18 октябрда 548824 сонли рўйхат рақами билан давлат рўйхатига олинган "OAKHILL TRADE" МЧЖ устав фондини 1 113 690 600 (бир миллиард бир юз ўн уч миллион олти юз тўқсон минг олти юз) сўмдан 801 147 600 (саккиз юз бир миллион бир юз қирқ етти минг олти юз) сўмгача камайтирилишини маълум қилади. Тел.: (99) 400-70-50.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Баҳодир ЮСУПОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 994-57-08; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 005 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 04.10

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ